

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУСАЕВ АБДУХАЛИЛ АБДУГАНИЕВИЧ

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЭШИТИШ
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ДАВОЛАШ-РЕАБИЛИТАЦИЯЛАРИНИНГ ЧОРА-ТАБДИРЛАРИ**

14.00.04 – оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мусаев Абдухалил Абдуганиевич

Мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишларини ташхислашни такомиллаштириш ва даволаш-реабилитацияларининг чора-табдирлари.. 3

Мусаев Абдухалил Абдуганиевич

Совершенствование диагностики нарушений слуха у детей дошкольного возраста и тактики лечебно-реабилитационных мероприятий 21

Musaev Abdukhalil Abduganievich

Improvement of diagnosis of hearing impairment in children of preschool age and tactics of treatment and rehabilitation methods 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУСАЕВ АБДУХАЛИЛ АБДУГАНИЕВИЧ

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЭШИТИШ
БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ДАВОЛАШ-РЕАБИЛИТАЦИЯЛАРИНИНГ ЧОРА-ТАБДИРЛАРИ**

14.00.04 – оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib543 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдукаюмов Абдуманнап Абдумаджитович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Арифов Сайфутдин Сайдазимович тиббиёт фанлари доктори, профессор. Бакиева Шахло Хамидуллаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Етакчи ташкилот:	Санкт-Петербург кулоқ, томоқ, бурун ва нутқ илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси)

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Эшитиш аъзоларидаги бузилишлар мактабгача таълим ёшидаги болаларда учрайдиган касалликлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, дунёда 466 миллиондан ортиқ киши айнан эшитиш аъзоларидаги турли даражадаги бузилишлар оқибатида шифохоналарга мурожаат қилаётган бўлиб, агарда мавжуд муаммолар бартараф этилмаса, 2050 йилда ушбу рақам икки бараварга кўпайиши тахмин қилинмоқда. Уларнинг 32 миллиондан ортиғи (7,0%) ортиғини болалар ташкил қилади. Бу борада чет эллик муаллифларнинг, «...мактабгача ёшдаги болалардаги эшитиш қобилиятининг бузилиши жиддий оқибатларга: ўзаро мулоқот, тил билишни ривожлантириш, таълим олиш ва ижтимоий чегараланиш, когнитив қобилиятнинг пасайиши каби ҳолатлар оқибатида депрессиянинг кучайиш хавфи ортиши мумкин...»¹ каби маълумотлари келтирилган. Шундай қилиб болаларда эшитиш аъзолари касалликларини эрта аниқлаш ва ташхислаш меъзонларини ишлаб чиқиш замонавий оториноларингологиянинг долзарб муаммолари ва истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Жаҳонда ушбу мавзу бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, шу боис Буюк Британиянинг йирик тадқиқотида 93560 чақалокда скрининг дастурида икки томонлама 40 дБ дан паст эшитиш заифлиги ҳолати 1000 боладан 1,27 тасида ташкил этган. Шу болаларда 18 фоизда эшитиш бузилишлари салбий томонга силжиган бўлиб, уларни мактаб ёшигача вақтида қайта текширув скрининг жараёнида юқоридаги кўрсаткич ҳар 1000 та боладан 1,49 ташкил этган. Шундай қилиб 1000 боладан 0,22 ҳолатда эшитиш заифлиги ташқи омиллар ёки номалум сабаб туфайли ривожланган.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича олиб борилган амалиётлар натижасида салмоқли натижалар қўлга киритилган бўлсада, соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча муаммолар мавжуд. Улар орасида эшитиш аъзолари касалликларини аниқлаш ва олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Шундай қилиб,

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) «Карлик ва эшитиш қобилиятини йўқотиш», 2019й. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/deafness-and-hearing-loss>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2017 йилдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон қарори.

жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ўрта кулок касалликларида турли даражадаги нуқсонлар ҳамда юқори нафас йўллари касаллигидан азият чекадиган болаларда эшитиш қобилиятининг йўқолиши ҳолатларининг олдини олиш ва болалар ногиронлиги сонини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сонли «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «2017 йил 25 декабрдаги 3440-сон», «2018 — 2022 ииллар даврида болалар туғма ва ирсий касалликларини барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида ҳамда «2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон» Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли географик минтақаларда болалар эшитиш қобилиятидаги бузилишларнинг 60 фоизида касаллик олдини олиш мумкин бўлган сабаблар оқибатида юзага келмоқда. Болаларнинг эшитиш аъзолари фаолиятидаги бузилишларнинг кеч аниқланиши кейинчалик уларда кар-сақовлик ривожланишига ва натижада ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлади. Болаларнинг ёшига хос хусусиятларини таҳлили шуни кўрсатадики, болалардаги эшитиш қобилиятини йўқотиш ва карлик ҳолати ташҳиси ўз вақтида амалга оширилмаган: уларнинг умумий сонининг атиги 5 фоизини бир ёшгача бўлган болалар ташкил қилади; 1 – 3 ёшдагилар - 14%; 3 ёшдан - 7 ёшгача бўлган даврдаги болаларнинг қарийб учдан бир қисми 28% диспансер рўйхатига олинади; 7 ёшдан - 14 ёшгача бўлган болаларнинг 30 % да, 14 ёшдан - 18 ёшгача болаларнинг 23% да эшитиш қобилиятининг бузилиши намоён бўлади (Г.А. Таварткиладзе, 2006 йил). Боланинг эшитиш қобилияти ва нутқи ривожланишига ўз вақтида ташхис қўйилмаса салбий оқибатларга олиб келади (Van Dyk, M., D.W. Swanepoel, and J.W. Hall., 2015).

Ўзбекистонд олимлари томонидан мактабгача ёшдаги болаларнинг эшитиш бузилишларининг учраш сони икки баравар кўпайди. Аҳолининг

қарийб 7 фоизда эшитиш қобилияти бузилган бўлиб, бунда сенсоневрал бузилишлар 70-80%ни ташкил этмоқда (Мўминов А.И., Хатомов З.А., 2000). Ўрта кулоқнинг экссудатив яллиғланишининг бутун дунё бўйлаб болалардаги эшитиш қобилияти бузилишининг энг кенг тарқалган сабаби бўлиб, бола ривожланишининг биринчи босқичида 80 фоизгача таъсир қилиши мумкин (Буртон, М. ва А. Шаддер, 2012).

Шундай қилиб, эшитиш найчаларининг доимий дисфункцияси, ўрта кулоқдаги экссудат ва унинг узок муддатли давом этиши нафақат ўтказувчан эшитиш йўқолишига, балки «скалар» деб аталадиган сенсоневрал эшитиш қобилиятини йўқотишига олиб келади (Dai C., et al, 2008). Шу жиҳатдан ҳудудларда болаларнинг индивидуал ва популяцион ривожланиш даражасини аниқлаш, шунингдек, болаларнинг эшитиш аъзолари фаолиятидаги бузилишлар ва кар-сақовлик ривожланиши олдини олиш долзарб ва муҳим саналади. Юқорида баён этилганларни барчаси ушбу тадқиқотнинг ва ўз навбатида муаммонинг долзарблигини устуворлигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №001516, «Касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳисобига аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш» давлат дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишларини ташхислашни такомиллаштириш ва даволаш-реабилитацияларининг чора-табдирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ЛОР-аъзоларининг ҳолатини баҳолаш;

бурун, бурун ёндош бўшлиқлари ва томоқ касалликлари эшитиш бузилиши ривожланишига таъсир қилувчи хавф омиллари сифатида аҳамиятини баҳолаш;

мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг эшитиш қобилиятини текшириш, скрининг қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш касалликларини даволаш ва реабилитация қилиш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йилларда Олмазор туманида мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 5-7 ёшгача бўлган 1000 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эшитиш аъзолари, бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари, томоқ, МСКТ тадқиқотлари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, оториноларингологик, эндоскопик, аудиологик ва статистик услублар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактаб ёшигача бўлган болаларда 3,5% товуш ўтказувчи ва 0,4% – товушни қабул қилиш тури бўйича яширин эшитиш бузилиши аниқланган;

мактаб ёшигача бўлган болаларда эшитиш бузилишининг келиб чиқишида бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш жараёнлари, ҳалқум лимфоид аъзолари фаоллашувининг лимфоцитоз билан биргаликда кечиши аҳамиятли хавф омиллари бўлиши аниқланган;

эшитиш қобилятини бузилишига олиб келадиган асосий омил ҳисобида ўрта қулоқда экссудат узоқ муддатли қатъийатлилиги билан эшитиш 50 дБ даражасигача пасайиши аниқланган;

мактаб ёшигача бўлган болаларда товушни қабул қилиш тури бўйича эшитиш бузилишининг келиб чиқиши, ўрта қулоқда узоқ муддат суюқлик бўлиши ортга қайтмас тарздаги турғун эшитиш бузилишининг патогенетик омили аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим муассасаси босқичида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда болаларнинг эшитиш бузилишларини аниқлашга қаратилган мақсадли текширувлар эшитиш бузилишини клиникасига қадар аниқлашга ва қайтарилмас ўзгаришларнинг олдини олиш бўйича терапевтик тадбирлари такомиллаштирилган;

мактабгача таълим муассасасида PATH MEDICAL SENTIERO мосламасининг махсус дастуридан фойдаланиш ЛОР-аъзоларини параллел комплекс текширувдан ўтказиш ва болаларнинг эшитиш қобилятини ташҳислаш жараёнида шифокор ва ҳамшираларнинг иш вақтини самарали режалаштириши аниқланган;

эшитиш патологиясини эрта аниқлаш мактабгача таълим муассасасига қатнайдиغان болаларни даволаш ва реабилитация қилиш чоралари кўрсатиб берилган;

эшитиш бузилишларининг ривожланиши ва кечишидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда хавф омилларини аниқлаш, уларни даволаш кетма-кетлигини режалаштириши кўрастиб берилган;

мактабгача таълим муассасасида болалардаги эшитиш нуқсонларини аниқлаш ва кейинги даволаш босқичларини ихтисослаштирилган муассасада бажариш ва реабилитация тадбирларини амалга ошириш тузалишнинг вақтини қисқартириш ва самаралиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, соғлом болаларда

эшитиш бузилишларини эрта ташҳислаш бўйича комплекс ёндашув ишлаб чиқилган бўлиб, у профилактик текширувлар пайтида аудиологик скрининг усули билан юқори хавф гуруҳидаги болаларда ўрта қулоқ тизимида доимий дисфункцияси бўлган болаларни фаол текшириш, шунингдек мунтазам равишда диспансер назоратга олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш қобилияти бузилишларининг частотаси ва шакли ҳамда уларни келтириб чиқарадиган касалликлар ташҳиси натижасида олинган маълумотлар ушбу болаларни кейинги даволаш кетма-кетлигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишларини ташҳислашни такомиллаштириш ва даволаш-реабилитациялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда эшитиш бузилишларини эрта ташҳислаш усули асосида ишлаб чиқилган «Мактабгача ёшдаги болаларда бирламчи эшитиш заифлигини аниқланиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8 н-р/69-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактабгача таълим ёшидаги болаларда эшитиш патологиясини эрта аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган;

эшитиш бузилишларини даволаш ва реабилитацияларининг чора-табдирлари асосида ишлаб чиқилган «Maktabgacha yoshdagi bolalarda eshitish buzilishining o'ziga hosligi» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 июлдаги 8 н-р/675-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишларини ташҳислашни такомиллаштириш ва даволаш-реабилитацияларининг чора-табдирларини ишлаб чиқилган;

мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишларини ташҳислашни такомиллаштириш ва даволаш-реабилитацияларининг чора-табдирлари тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Самарқанд вилояти кўп тармоқли болалар маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 8н-з/179-сон, ҳамда 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/339-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши мактабгача таълим муассасаларида болаларда эшитиш нуқсонларини бирламчи аниқлаш ва уларнинг ривожланиши учун хавф омилларини сезиларли даражада бартараф этиш, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, даволаниш ва реабилитация тадбирлари учун харажатларни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий–амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишлари тўғрисида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи боби иккита бўлимдан ташкил топган бўлиб, аудиология скринги, турли мамлакатларда ундан фойдаланиш тажрибасига оид маълумотларни ўз ичига олган. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар орасида экссудатив ўрта отит тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Шундай қилиб, болалар боғчаларида ҳар йили комплекс аудиология текширувларини ўтказиш зарурати турли муаллифлар томонидан қайд этилган бўлиб, ушбу муаммони батафсил ўрганиш ва ечимларини кўриб чиқишни талаб этади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари: умумклиник, аудиологик ва статистик усуллари батафсил баён этилган.

Ушбу тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг «Туғма ва орттирилган ЛОР-аъзолари касалликлари» бўлимида, 2018/2020 йилларда Тошкент шаҳри Олмазор тумани болалар боғчаларида амалга оширилди. 1000 нафар мактабгача ёшдаги мутлақо соғлом болалар тиббий кўрикдан ўтказилди, уларнинг 512 таси (51,2%) ўғил бола, 488 таси (48,8%) қиз бола бўлган. Кўрикда 39 нафар болада эшитиш патологияси мавжудлиги аниқланди, шу ўринда патология кўпроқ 5-6 ёшли 66,7 фоиз болада, 6-7 ёшли 33,3% болада аниқланди.

Тадқиқот икки босқичда олиб борилди, биринчи босқичда мактабгача таълим муассасаларида эшитиш ҳолатини скрининг қилиш билан ЛОР-аъзолари кўрикдан ўтказилди. Иккинчи босқичда ихтисослаштирилган муассасаларда биринчи ташхислаш босқичида эшитиш патологияси аниқланган болаларни кенгайтирилган комплекс текширувдан ўтказилди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни кўрикдан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олди:

- оториноларингологик кўрик
- аудиологик скрининг – кечиктирилган отоакустик эмиссия (ЗВОАЭ, ўйинли товушли аудиометрия).

Оториноларингологик кўриқда 1000 нафар боладан 585 тасида (58,5%) ЛОР-аъзолари патологияси аниқланди. Шунингдек қуйидаги хасталиқлар аниқланди: олтингугуртли тиқин 20 (2%), танглай безларининг гипертрофияси 184 нафар болада (18,4%), аденоид ўсимтаси 128 та болада (12,8%), бундан ташқари аденоид ўсимтасининг танглай бези гипертрофияси билан ёндошиши 128 нафар болада (12,8%), бурун тўсиғи деформацияси 108 нафар болада аниқланди (10,8%), кам сонли болаларда қуйидаги хасталиқлар қайд этилди: бурун атрофи бўшлиғи яллиғланиши 16 нафар (1,6%) болада, аденоид ўсимталари ва танглай безларининг гипертрофиясининг бурун атрофи бўшлиғи яллиғланиши билан ёндошиши 10 нафар болаларда (0,1%).

Аудиологик скринингда – PATH MEDICAL SENTIERO (Германия) скрининг аппаратида кечиктириб келтириб чиқарилган отоакустик эмиссияда 47 нафар болада (4,7%) эшитиш патологияси мавжудлиги аниқланди. Бунда 90 та қулоқ синондан ўтолмади, 4 та қулоқ ўтди.

ЛОР-аъзолари патологияси ва аниқланган эшитиш патологияси маълумотларининг қиёсий таҳлили аудиологик скрининг ижобий бўлган 546 нафар болада ЛОР-аъзолари патологияси мавжудлигини кўрсатди. Ушбу тоифадаги беморларда аниқланган патология таҳлили шунини кўрсатдики, асосий патология лимфоҳалқум халқасидаги яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган. Бунда бурун тўсиғи деформацияси 104 нафар болада (10,4%), аденоид ўсимтаси 122 та болада (12,2%), танглай бези гипертрофияси 176 нафар (17,6%), сурункали тонзиллит, оддий шакли 2 та болада (0,2%), вазомотор ринит 6 та боларда (0,6%) кузатилган, шунингдек, қуйидаги ёндош хасталиқлар қайд этилган: аденоид ўсимталари ва танглай без гипертрофисини 123 нафар болаларда (12,3%), аденоид ўсимта ва вазомотор ринит 13 та бола (1,3%), аденоид ўсимталарининг вазомотор ринит билан ёндошиши 8 та болада (0,8%).

847 нафар бола текширувдан ўтказилган, улардан 35 та болада (4,2%) товуш ўтказувчанлиги тури бўйича, 4 та бир томонлама эшитувчи болада (0,5%) товушни қабул қилиш тури бўйича текширилди, қолган 153 нафар бола уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда кўриқдан ўтказишни имкони бўлмади, бироқ ушбу болалар 3 ой ўтиб текширилди ва улар текширувдан муваффақиятли ўтишди, тонал ўйинли аудиометрияда 39 нафар текширилган (3,9%) 74 та қулоқда эшитиш бузилиши, 4 та қулоқда эшитиш меъёрида эканлиги қайд этилди.

Текширувнинг иккинчи босқичида 39 нафар мактабгача ёшдаги бола кўриқдан ўтказилди, аудиологик скрининг синовида манфий натижа қайд этилди.

Эшитиш бузилиши сабабини аниқлаш учун кенгайтирилган оториноларингологик текширувлар ўтказилган бўлиб, улар қуйидагиларни қамраб олди:

- ота-она сўзларидан боланинг ҳаёти анамнезини ўрганиш;
- кенгайтирилган оториноларингологик кўрик (ЛОР-аъзоларини эндоскопияси ва микроскопияси);
- тонал бўсағали аудиометрия ва акустик импедансометрия билан кенгайтирилган аудиологик текширув;
- тадқиқотнинг рентген усуллари, жумладан: чакка суяклари билан рентгенографияси (заруриятга кўра бурун ва бурун ёндош бўшлиқларинг мультиспирал компьютер томографияси);
- статистик усуллар.

Кенгайтирилган оториноларингологик кўриқда (ЛОР-аъзолари эндоскопияси ва микроскопияси) қуйидаги хасталиклар аниқланди: аксарият болаларда танглай безининг гипертрофияси аниқланди – 8 та бола (20,5%), аденоид ўсимтаси 6 та болада қайд этилди (15,4%), бурун тўсиғи деформацияси 4 нафар болада (10,25%), вазомотор ринит 6 та болада (15,4%), сурункали тонзиллит 2 та болада (5,2%) аниқланди. Шунингдек, қуйидаги ёндош хасталиклар аниқланди: аденоид ўсимтаси ва танглай бези гипертрофияси 5 нафар болада (12,8%), аденоид ўсимтасининг синусит билан ёндошиши 8 нафар болада (20,5%).

Диссертациянинг «**Мактабгача ёшдаги болаларда ЛОР-аъзоларининг ҳолатини текшириш натижалари**» деб номланган учинчи боби мактабгача аудиологик текширув ўтказиш ва унинг натижаларига бағишланган.


Шикоятларни таҳлил қилиш, 21 болада (53,8%) аниқланган бурундан нафас олишдаги қийинчилик белгиларининг устунлигини кўрсатди, бунда 7 болада (3,51%) нафас олиш қийинлиги доимий бўлган. Анамнез маълумотлари таҳлили ота-оналар томонидан қайд этилган тез-тез шамоллаш касалликларини кўрсатди ва у 64,1% ҳолатни ташкил этди. Бундан ташқари, ота-оналар томонидан аввал ЛОР-аъзолари операция қилинганини таъкидлаган, 10,25% ҳолатда лимфо-халқум халқаси гипертрофияси билан боғлиқ бўлган.

Эшитиш бузилиши ривожланишига таъсир кўрсатувчи мактабгача таълим муассасаларидаги текширув босқичлари омилларининг ихтисослаштирилган муассасалардаги текширишлар билан фарқи 13,1%ни ташкил этди, ихтисослаштирилган муассасада текшириш босқичида 15,4% аденоидлар ўсимтаси, 20,5% ҳолатда танглай бези гипертрофияси ва 5,2% сурункали тонзиллит, шунингдек, уларнинг ёндошуви аниқланди, бу эндоскопик ташхислаш усулини қўллаш билан боғлиқ.



1-расм. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида болаларда отомикроскопия натижаси.

Ототомикроскопияда 56,4% кулоқ бўшлиғида суяқлик мавжудлиги аниқланди, Вальсальва манфий тести 69,2% ҳолатда қайд этилди, эшитиш найчаларининг дисфункциясини кўрсатувчи цианоз, петрификатлар ва ретракцион чўнтаги ўйиқлиги аниқланди. Ёруғлик конуси мавжуд эмаслиги юқори кўрсаткичда бўлди – 69,2% ва кулоқ пардаси тортилгани 30,7% ҳолатда қайд этилган, бу эса патологик жараённинг узок вақтдан бери давом этаётганини кўрсатади.



2-расм. Эшитиш йўқолиши даражасини ҳисобга олган ҳолда болаларни тақсимлаш (n=39).

Текширишнинг кейинги босқичида тонал бўсағали аудиометрия ўтказилди, бунда бир томонлама эшитиш бузилишининг I даражаси 74,4% ҳолатда кузатилганлиги қайд этилди. 2-даражали бузилиш 15,4% ҳолатда аниқланди. Янада яққол бузилишлар – IV даража 10,3% ҳолатда кузатилди. Бунда эшитиш чегараланиши белгилашда қуйидагилар аниқланди: чап кулоқда I - даражали эшитиш бузилиши ўнг томонга қараганда пастроқ

бўлган ва $32,8 \pm 2,3$ дБ ни ташкил этган, II - даражада кўрсаткичлар чап кулоқда пастроқ бўлган ва $49,6 \pm 3$ дБ ни ташкил этган. IV - даражада эшитиш чекланиши ва қолган эшитиш сақланиб қолиши юқори кўрсаткичда бўлган ва $78,7 \pm 3,5$ дБ ни ташкил этишган. Шундай қилиб, қайд этиш мумкинки, I - даражали эшитиш бузилиши чегараси II - даража кўрсаткичига яқин бўлиб, пастроқ бўлган ва эшитиш бузилишининг дастлабки кўринишига мос бўлишган. Эшитиш бузилишининг II - даражаси барқарор бўлиб, эшитишни пасайишига олиб келувчи узоқ муддатли сурункали бузилиш ҳолатларига киритиш мумкин.

Иккинчи босқичдаги эшитиш бузилиши шакллари 64,1% ҳолатда кондуктив эшитиш заифлиги, 10,3% ҳолатда бир томонлама сенсоневрал карлик, 25,7% ҳолатда аралаш эшитиш заифлиги устунлигини кўрсатди. Эшитиш заифлиги шакли ва даражасини таҳлил қилишда қуйидагилар аниқланди: 64,1% кондуктив эшитиш заифлиги шакли I - даражаси 53,9% ҳолатда, II даража – 10,2% ҳолатда аниқланди. 25,7% болаларда қайд этилган эшитиш заифлигининг аралаш шакли I даражаси 20,5% болада ва II даражаси - 5,2% болада аниқланди. Шунингдек, бир томонлама IV – даражали сенсоневрал карлик бир томонлама 10,3% ҳолатда бўлган.

Акустик импедансометрияда тимпанограмманинг қуйидаги турлари аниқланди: В тури – 38,4%, С тури – 25,7%, AS тури – 25,7%, А тури – 10,2% ҳолатда. Тимпанограмманинг патологик турлари 89,8% ҳолатда аниқланди, бунда тимпанограмманинг нормал турига кирувчи А тури 10,2% ҳолатда аниқланди, бу аудиометрик текширишда суюқ-ҳаво оралиғи юқори частота йўқотишлар билан сенсоневрал турдаги эшитиш заифлигига мос келади. Текширилган беморлар орасида энг кўп В турдаги тимпанограмма 38,4% ҳолатда аниқланди, бунда акустик рефлекслар ҳеч бир частотада қайд этилмади. Шунингдек, С ва AS турдаги тимпанограммалар аниқланган бўлиб, солиштирма ҳажми 25,7% ни ташкил этди. Акустик импедансометрия аудиометрик текшириш маълумотларини тасдиқлади, шунга кўра В турига мувофиқ бузилиш ва манфий акустик рефлекс мос равишда 38,4% ва 48,7% ташкил этди, бу эса аудиометрик маълумотлар билан таққосланган ҳамда эшитиш найлари яллиғланиши билан боғлиқ эшитиш бузилишининг клиник ўзгаришларини акс эттиради.

Барча аудиологик текширишлар (ЗВОАЭ, ПИОАЭ, тонал ўйинли аудиометрия) таққосланган ва клиник маълумотлар, шу жумладан, 56,4% ҳолатда аниқланган ноғора бўшлиғида суюқлик мавжудлигининг пункцияси билан ўзаро боғлиқ. Ноғора бўшлиғида экссудатив яллиғланиш жараёни билан эшитиш найчасининг вентиляцияси бузилиши 56,4% ҳолатда аниқланди, алоҳида эшитиш найи вентиляциясининг бузилиши 69,1% ҳолатда қайд этилди. Шундай қилиб, обструктив-механик омиллар таъсирида эшитиш найининг узоқ муддатли, яққол дисфункцияси 53,8% ҳолатда ноғора пардада экссудат персистенцияси ривожланишининг асосий бўғини бўлган, бу эса ўрта кулоқ бузилишига ва эшитишнинг барқарор бузилиши билан бирга функционал табиат бузилиши ривожланишига олиб келади.

Диссертациянинг «Эшитиши бузилган болаларда даволаш-реабилитация тадбирлар натижалари» деб номланган тўртинчи боби эшитиш патологияли болаларни олиб борилган муолажа ва реабилитациядан сўнг текшириш натижаларига бағишланган. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган меъзонлар даволаш-реабилитацион усулларни стандартлаштириш ва ишлаб чиқиш имконини берди, ушбу меъзонлар икки қисмдан: даволаш ва реабилитациядан ташкил топган.



3-расм. Даволаш-реабилитация усуллари.

Олиб борилган тимпанопункция муолажасида 84,6% ҳолатда ногора бўшлиғида суюқлик мавжудлигини кўрсатди, бунда клиник маълумотлар тафовути 46,1%ни ташкил этди, яъни клиник жиҳатдан экссудат тасдиқланмаган ҳолатларда биз тимпанопункцияда суюқлик борлигини аниқладик, бу эса тимпанопункцияни мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишини комплекс ташхислаш алгоритмига киритиш зарурлигини кўрсатади.

1-жадвал.

Шунтлаш ва баллон дилатация тавсифи.

Тимпаанограмма турлари	Экссудат	Шунтирлаш	Самарадорлик	Экссудат персистенцияси	Эшитиш найчасининг кемирчак қисми баллонли дилатацияси	Экссудат персистенцияси
В тип	45,5	45,5	33,3	12,1	12,1	-
С тип	30,3	30,3	27,3	3,1	3,0	-
AS тип	24,2	24,2	24,2	-	-	-
Жами			84,8	15,2	15,2	-

Аниқланган барча экссудатив ҳолатларда ноғора бўшлиғи шунтланди ва унинг самараси 84,8% ҳолатда бир йилдан сўнг аниқланди. 15,1% беморда экссудатнинг персистенцияси аниқланиши билан қайталаниши қайд этилди. Ушбу гуруҳдаги барча беморларда эшитиш бузилиши ривожланиши билан экссудат персистенциясининг ривожланиш механизмларини баратараф этувчи эшитиш найларини баллон диллатация операцияси амалга оширилди. 12 ойдан сўнг кузатишларда ушбу гуруҳдаги барча беморларда эшитиш найининг ўтказувчанлик бузилиши мавжуд эмаслиги аниқланди, яъни даволаш тадбирлари тўлақонли самара кўрсатди.

Маълумотларнинг статистик тадқиқоти олиб борилган даволаш-ташхислаш алгоритми ишончли самарадорлигини тасдиқлади: шундай қилиб «А» тури тимпанометрияни белгилаш – олиб борилган муолажадан сўнг ҳолат ишончли яхшиланган ($\chi^2=88,6$ $p<0,001$); «В» тури тимпанометрияси – олиб борилган муолажадан сўнг ҳолат ишончли яхшиланган ($\chi^2=9,44$ $p<0,01$); «С» тури тимпанометрияси – олиб борилган муолажадан сўнг ҳолат ишончли яхшиланган ($\chi^2=6,0$ $p<0,05$); «АС» тури тимпанометрияси – олиб борилган муолажадан сўнг ҳолат ишончли яхшиланган ($\chi^2=6,0$ $p<0,05$); сенсоневрал карлик – даволашгача ва ундан кейин ушбу кўрсаткичнинг ишончли ўзгариши мавжуд эмас. ($\chi^2=0,78$ $p>0,05$); экссудатив ўрта отит – ушбу кўрсаткич бўйича ҳолатнинг ишончилиги ($\chi^2=17,4$ $p<0,01$); аралаш эшитиш заифлиги – даволашгача ундан кейин ишончи фарқ мавжуд эмаслиги ($\chi^2=2,07$ $p>0,05$) аниқланди.

2-жадвал.

Даволашгача ва ундан кейинги статистик маълумотлар


	Даволашгача	Даволашдан кейин	Ишончилилик
Тонал чегараловчи аудиометрия	40,66дб	31,79дб	$U_{\text{Манна-Уитни}}=343,0$ $p<0,01$
Сенсоневрал карлик	4	4	$\chi^2=0,78$ $p>0,05$
Экссудатив ўрта отит	25	0	$\chi^2=17,4$ $p<0,01$
Аралаш қулоғи оғирлик	10	2 (сенсоневрал компонент қолган)	$\chi^2=2,07$ $p>0,05$
Жами	39	6	

$p<0,05$ кўрсаткичлари ишончли аҳамиятга эга, $p>0,05$ кўрсаткичга белги ишончли бўлмайди. $\chi^2=0,78$ $p>0,05$; $\chi^2=17,4$ $p<0,01$; $\chi^2=2,07$ $p>0,05$ - маълумотлар ишончли.

Шундай қилиб, клиник ва статистик маълумотлар қуйидагиларни акс эттиради: сенсоневрал карликда статистик кўрсаткичлар ишончли, бироқ даволашдан сўнг яхшиланиш мавжуд эмас, бу беморларга эшитишни протезлаш тавсия этилади, бунда эшитиш бузилиши сақланиб қолади ва бутун умрга диспансер назоратга қўйилади; кондуктив эшитиш заифлигида

статистик жиҳатдан ишончли ҳисобланиб, даволанишдан сўнг яхшиланиш мавжуд; эшитиш заифлигининг аралаш шаклида ишончли кўрсаткичлар ҳозирча мавжуд эмас ва бу беморлар узоқ муддатли диспансер назоратига қўйилиши лозим, чунки касалликнинг барқарор компоненти сенсоневрал карликка ва болалар ногиронлигига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу маълумотлар кондуктив эшитиш заифлиги мавжуд мактабгача ёшдаги болаларда тавсия қилинган усулнинг юқори самарадорлиги ва эшитиш заифлигининг аралаш шакли мавжуд беморларда эшитиш чегараси яхшиланишини акс этувчи сенсоневрал қулоғи оғирликда ўзгармаган эшитиш чекланишлари билан аралаш карликда 30 дБ эшитиш яхшиланиши ва даволашдан сўнг эшитиш чегаралари нормаллашиши ҳақидаги аудиология маълумотлари билан мос келади, бу эса барқарор қайтариб бўлмайдиган эшитиш бузилишини олдини олиш чораси ҳисобланади.



4-расм. Даражасига кўра даволашдан сўнг аудиологик кўрсаткичлар тавсифи.

Шундай қилиб, эшитиш бузилишида ташхислаш ва даволаш-реабилитация тадбирлари самарадорлиги 84,6%ни ташкил этди, бунда эшитиш найлари бузилишини энг самарали даволаш усули баллон дилатацияси ҳисобланди.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ноғора бўшлиғи экссудати персистенциясида эшитиш найининг барқарор дисфункцияси ва баллон дилатациясида профилактик кўрик, тимпанопункцияда аудиологик скрининг усулида текширишни қамраб олувчи мутлақо соғлом болаларда эшитиш бузилишини эрта ташхислаш учун ишлаб чиқилган комплекс ёндашиш барқарор эшитиш бузилиши ривожланишида юқори даволаш ва профилактик самарадорликка эга.

Тадқиқотларимиз асосида эшитиш бузилишини эрта аниқлаш ва профилактикаси учун мактабгача ёшдаги болаларда эшитиш бузилишини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА


1. Мактабгача таълим муассасаларида ЛОР-аъзолари кўриги ва эшитиш ҳолатини баҳолашни ўз ичига олган болаларни комплекс текшириш 3,9% ҳолатда 74 та қулоқда товушни ўтказиш тури бўйича эшитиш бузилишини ва 4 та қулоқда бир томонлама товушни қабул қилиш бузилишини аниқлашга ёрдам берди;

2. Мактабгача ёшдаги болаларда бурун, бурун ёндош бўшлиғи ва ҳалқумда ёндош патология мавжудлиги заминида товушни ўтказувчанлик ва аралаш тури бўйича эшитиш бузилишининг ривожланиши ушбу ҳолатни жиддий хавф сифатида кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади;


3. Мактабгача таълим муассасаларида болаларда эшитишни скрининг текшириш алгоритми ишлаб чиқилди;

4. Эшитиш бузилишида ташхислаш ва даволаш-реабилитация тадбирларининг самарадорлиги 84,4%ни ташкил этди, бунда эшитиш найчаларининг баллон дилатацияси каминвазив жарроҳлик даволаш энг самарали усул бўлди ва ноғора бўшлиғини шунтлаш билан солиштирганда 15,2% ҳолатда фарқ қилди.

**Мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларда
эшитишни скрининг қилиш алгоритми**



**Ихтисослаштирилган муассасаларда мактабгача ёшдаги болаларда
эшитишни аудиологик диагностикалаш алгоритми**



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ПЕДИАТРИИ**

МУСАЕВ АБДУХАЛИЛ АБДУГАНИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ НАРУШЕНИЙ СЛУХА У
ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА И ТАКТИКИ ЛЕЧЕБНО-
РЕАБИЛИТАЦИОННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ**

14.00.04 – оториноларингология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.1.PhD/Tib543.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре Педиатрии МЗ РУз.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу www.tdsi.uz. и в Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу: www.ziyo.net

Научный руководитель:	Абдукаюмов Абдуманнап Абдумаджитович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Арифов Сайфутдин Сайдазимович доктор медицинских наук, профессор Бакиева Шахло Хамидуллаевна доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	«Санкт-Петербургский научно-исследовательский институт уха, горла, носа и речи» (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г. Тошкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № ____). (100047, г. Тошкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(протокол рассылки № ____ от _____ 2022 года).

Н.К. Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Ш.Х. Бакиева

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней при научном совете, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Нарушение слуха является одной из часто встречающихся заболеваний среди патологий у детей дошкольного возраста. По оценкам Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), во всем мире 466 миллионов людей имеют значительную потерю слуха, к 2050 году эта цифра увеличится вдвое. Считается, что более 32 миллионов (7,0%) из них дети. По данным зарубежных авторов «...нарушения слуха у детей дошкольного возраста могут иметь серьезные последствия, влияя на общение, развитие языка, возможности получения образования и выбор работы, а также могут способствовать социальной изоляции, снижению когнитивных способностей и депрессии...».¹ Таким образом, ранняя диагностика и разработка критерий нарушений слуха у детей дошкольного возраста представляется своевременной, актуальной и является перспективным направлением современной оториноларингологии.

В мире существует множество научных исследований по данному направлению, в связи с этим в британском исследовании программы скрининга слуха у 93560 детей в рамках программы Health Technology Assessment при первом скрининге сразу после рождения была обнаружена частота врождённых, постоянных нарушений слуха с обеих сторон в размере более 40 dB у 1,27 на 1000 человек, причём у 18% таких детей нарушение слуха развивалось в негативную сторону, а при втором скрининге, в дошкольном возрасте, тот же показатель составил 1,49 на 1000 человек. Соответственно, 0,22 случая на 1000 были приобретены после первого скрининга из-за внешних факторов или развились сами.

В нашей стране, несмотря на то, что были достигнуты значительные результаты в ранней диагностике и снижении осложнений соматических заболеваний среди различных слоев населения страны, в системе здравоохранения остаются ряд не решенных проблем. Одним из этих проблем является ранняя диагностика и профилактика нарушений слуха. В Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах подчеркивается важность «...расширения доступа детей к качественным медицинским услугам, оказанию им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи...»². В связи с этим разработка наиболее эффективных алгоритмов исследования нарушений слуха у детей различного возраста, улучшение профилактических мероприятий являются важными задачами на пути здоровья подрастающего поколения и уменьшения числа детской инвалидности.

Данная диссертационная работа в определённой степени способствует выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) “Глухота и потеря слуха”, 2019 г. - <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/deafness-and-hearing-loss>.

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 20.06.2017 г. N ПП-3071 "О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы".

